Birgalikda ijtimoiy davlat sari!

O‘zbekiston Ovozi

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasi facebook.com/uzbekistonovozi instagram.com/uzbekiston_ovozi www.uzbovozi.uz info@uzbovozi.uz

№43

2026-yil
30-oktabr, juma

1918-yil
21-iyundan chiqa boshlagan





Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкил топганининг 35 йиллиги муносабати билан партиянинг ўтган даврдаги сиёсий тажрибасини ўзида акс эттирган “Ғоядан харакатга – ҳаракатдан натижага” деб номланган махсус эсдалик китоби чоп этилди.

Мазкур китобда партиянинг тарихи, ривожланиш босқичлари 7 қисмга бўлиб таҳлил қилинган.

Унда партиянинг ғоявий-мафкуравий асослари яратилиб, янги сиёсий куч сифатида Олий Мажлис биринчи чақириғи сайловларидаги иштироки, партиянинг парламентдаги биринчи фракциясини тузиш жараёнларидан тортиб, маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик бирлашмалари фаолияти, ҳудудий ташкилотларнинг ташкил этилиши, мамлакатимиздаги барча сиёсий жараёнлардаги фаол иштироки, давлат ва нодавлат институтлар ҳамда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик йўналишларигача батафсил ёритилган.


Шунингдек, китобда партиямизнинг сайловолди кампанияларидаги фаолияти, ижтимоий-сиёсий ҳамда стратегик дастурларининг такомиллашиб бориши даврлари тасвирланган.


Бундан ташқари, Янги Ўзбекистонни бунёд этиш ислоҳотлари, Конституциямиз янгиланиши, партиянинг халқимизга энг манзур ғоя ва ташаббуслари амалга ошиши, хусусан, яшаш минимуми, камбағалликни қисқартириш, бандликни таъминлаш билан боғлиқ факт ва рақамлар келтирилган. Партия фракциясининг парламентдаги мухолиф сиёсий куч сифатида ўз электорати манфаатларини ҳимоя қилиши билан боғлиқ кенг қамровли фаолият ҳам ўрин олган.

Китобнинг якуний қисмида Халқ демократик партияси тарихи билан боғлиқ энг муҳим саналар, партия ташкилотларига етакчилик қилган фаоллар ҳақидаги маълумотлар берилган, барча партиядошларимиз ва сафдошларимизга самимий табрик йўлланган!

Таъкидланганидек, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг 35 йиллик сиёсий тажрибасига таяниб, янги марралар сари дадил интиламиз!







ПАРТИЯМ — 35 ЁШДА

Ўттиз беш йилдирки, халқ билан бирга,
Ўттиз беш баҳорни тўлдирдик нурга,
Ўттиз беш йил бўлди шонга, шуурга,
Халқнинг ишончи-ла юксак қадриям —
Бу — менинг партиям, менинг партиям.

Озод қуш каби ўз парвозимиз бор,
Юксалиш дастури — ҳамрозимиз бор,
Демократик сайловда овозимиз бор,
Миллий юксалишим — олий қадриям —
Бу — менинг партиям, менинг партиям.

Нурли йўлга чиққан карвонда бормиз,
Она Ватан чақирса, шу онда бормиз,
Майдон мардникидир — майдонда бормиз,
Халқ демократик партиям – асл, аслиям –
Бу — менинг партиям, менинг партиям.

Ким Ҳаққа интилса, топар — муқаррар,
Кимки бедор бўлса — саҳар муқаррар,
Кимки халқим деса — зафар муқаррар,
Сен қалбим амрисан, қадрим, қадриям —
Бу — менинг партиям, менинг партиям.

Юртда нур сочади адолат тонги,
Бизда бари янги, ҳаммаси янги,
Ўттиз беш йилдирки, зафар жаранги,
Ўттиз беш йилдирки, янграр мадҳиям,
Бу — менинг партиям, менинг партиям.

Ўттиз беш йилдирки, қушларга жўрмиз,
Ободмиз, озодмиз, биз-да мағрурмиз,
Ҳақ деб йўлга чиқдик, халққа борурмиз,
Бошда Ҳумо қуши, тилда шукриям —
Бу — менинг партиям, менинг партиям.

Зулфия МЎМИНОВА.





Улуғбек ИНОЯТОВ, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раиси.

Азиз партиядошлар!

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкил этилганининг 35 йиллик қутлуғ санаси билан барчангизни чин қалбимдан самимий муборакбод этаман!

Ўттиз беш йил – бу шунчаки вақт ўлчови эмас. Бу халқ ишончи билан ҳамнафас тарих, садоқат ва матонат билан босиб ўтилган йўл, эзгу мақсадлар сари қўйилган дадил қадамлар ҳамда зиммамиздаги юксак масъулият ифодасидир.

Партиянинг ҳақиқий кучи унинг тарихи ёки мавқеи билангина эмас, балки халқ дардини қанчалик ҳис этиши, инсон манфаатларини қай даражада ҳимоя қилиши ва жамият ҳаётида қандай ижобий ўзгаришларга эриша олиши билан белгиланади.

Ана шу мезонлар Ўзбекистон Халқ демократик партияси фаолиятининг мазмун-моҳиятини белгилаб келмоқда.

Ўтган 35 йил давомида партиямиз мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муносиб ўрин эгаллаб, демократик ислоҳотларни амалга ошириш, ижтимоий давлат тамойилларини қарор топтириш ва аҳолининг турли қатламлари манфаатларини ифода этишга муносиб ҳисса қўшди.

Бу йиллар осон кечмади. Улар биз учун улкан тажриба, ҳаётий синовлар ва муҳим хулосалар мактаби бўлди. Ана шу жараёнларда партиямиз аъзолари, депутатларимиз, фахрийларимиз ва фаолларимиз халқ билан ҳамнафас бўлиб, одамларнинг дарду ташвишларини тинглаш, муаммоларига ечим излаш ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни ўзларининг шарафли бурчи, деб билдилар.

Бугун биз ана шу бой тажрибага таяниб, келажакка янада катта ишонч ва қатъият билан қадам қўймоқдамиз. Зеро, Янги Ўзбекистон тараққиётининг бугунги босқичида ижтимоий тенгликни таъминлаш, камбағалликни қисқартириш, ижтимоий ҳимоя тизимини мустаҳкамлаш, ногиронлиги бўлган шахслар, кексалар, хотин-қизлар ва ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳар бир инсон учун муносиб ҳаёт шароитларини яратиш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Бу вазифалар шунчаки дастурий мақсадлар эмас. Бу – одамлар ҳаёти, оилалар фаровонлиги, фарзандлар келажаги ва жамиятимиздаги адолат мезонлари билан боғлиқ ҳаётий масалалардир.

Шу боис, биздан ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ ташаббус, фидойилик, масъулият ва амалий натижа талаб этилади. Халқ билан мулоқотни кучайтириш, жойлардаги муаммоларни чуқур ўрганиш, депутатлик назоратини самарали ташкил этиш ва аҳоли манфаатларини қонунчилик даражасида изчил ҳимоя қилиш фаолиятимизнинг муҳим мезони бўлиши керак.

Қадрли партиядошлар!

35 йиллик тарихимиз – бизнинг фахримиз. Халқ ишончи – энг олий эътироф, инсон манфаатига хизмат қилиш – энг юксак масъулият, эл розилигига эришиш эса ҳар қандай сиёсий фаолиятнинг энг муҳим натижасидир.

Ишонамизки, партиямиз аъзолари, депутатларимиз, фахрийларимиз ва фаолларимиз янада бирлашиб, ягона мақсад йўлида ҳамжиҳат ҳаракат қилсак, халқимиз ишончини янада мустаҳкамлаймиз, олдимизга қўйган вазифаларни муваффақиятли амалга оширамиз ҳамда Янги Ўзбекистон тараққиётига муносиб ҳисса қўшамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, партиямиз ривожи йўлида сидқидилдан меҳнат қилиб келаётган барча фидойи инсонларга самимий миннатдорлик билдираман.

Азиз партиядошлар!

Халқ манфаати, ижтимоий тенглик ва инсон қадри йўлидаги шарафли фаолиятимиз бардавом бўлсин!

ИЖТИМОИЙ АДОЛАТ ВА ИНСОН МАНФААТЛАРИГА САДОҚАТ



Гулнора МАРУФОВА, Олий Мажлис Сенати Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси аъзоси.


Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг 35 йиллик фаолияти ҳақида сўз юритар эканман, кўз олдимда мустақиллигимизнинг дастлабки йиллари, илк сайловлар, маҳаллий Кенгашларда ишлаган фидойи инсонлар ва халқ ишончини қозониш йўлидаги машаққатли меҳнат гавдаланади.

Партиянинг ижтимоий сиёсат борасидаги позицияси бугун ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Ижтимоий ҳимоя фақат нафақа, моддий ёрдам ёки имтиёзлар билан чекланмайди. У инсоннинг муносиб яшаши, сифатли таълим ва тиббий хизматдан фойдаланиши, меҳнат қилиб даромад топиши ҳамда кексаликда муносиб таъминотга эга бўлишини қамраб олади.

Партиянинг 35 йиллик фаолиятида хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш масаласи ҳам муҳим ўрин тутади. Мен ўз фаолиятим давомида аёлларнинг жамоат ишларидаги иштироки, ташкилотчилик қобилияти ва одамлар билан ишлашдаги фидойилигини кўп иштироки, қарорлар қабул қилишдаги фаоллиги масалаларига янада эътиборни ошириш ҳаётий заруратдир.

Бугун партиянинг дастлабки йилларида халқ манфаатларини ҳимоя қилган, маҳаллий Кенгашларда фаолият юритган ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга ҳисса қўшган инсонларни миннатдорлик билан эслаймиз. Сиёсий фаолиятнинг шакллари ўзгариши мумкин, аммо халқ ишончини қозониш учун ҳалол меҳнат қилиш, одамлар дардига бефарқ бўлмаслик ва зиммадаги вазифани масъулият билан бажариш зарурати ўзгармайди.

Ижтимоий адолат ва инсон манфаатларини устувор билган ЎзХДП бугун ҳам халқ дардига қулоқ тутиш, эҳтиёжманд қатлам вакилларини ҳар тарафлама қўллаб-қувватлашга қаратилган амалий ишлари билан мана шу эзгу йўлда пешқадам бўлиб қолишига ишончим комил.



ФРАКЦИЯМИЗ НИМАЛАРГА ЭРИШДИ?



Фирдавс ШАРИПОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси раҳбари ўринбосари.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкил этилганининг 35 йиллиги нишонланаётгани барчамиз учун алоҳида ҳаяжонли ва қувончли воқеадир. Бу санани нишонлаш кайфияти билан барча партиядошларимиз қатори мен ҳам амалга оширилган ишлар, орттирилган сабоқлар ва инсон қадрини улуғлашга қаратилган мақсадлар ҳақида ўйладим, босиб ўтилган йўлга назар ташладим.

ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ

Қонун ижодкорлиги — бу шунчаки қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ёки уларни парламент муҳокамасига киритиш эмас. Бу, аввало, одамларнинг ҳаётида учраётган муаммоларни кўра билиш, уларнинг дарду ташвишларини тинглаш ва мавжуд муаммоларга қонун орқали ечим топиш демакдир. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон ХДП фракцияси ўз қонунчилик ташаббусларида партия сайловолди дастурида белгиланган вазифалар, электорат манфаатлари ва жамиятдаги долзарб ижтимоий масалаларга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Фракциянинг қонунчилик ташаббуси билан чиқиш борасидаги фаоллиги йиллар давомида изчиллик билан давом этмоқда. Хусусан, учинчи чақириқда фракция аъзолари ташаббуси билан 22 та қонун лойиҳаси киритилган бўлса, тўртинчи чақириқда бу кўрсаткич 25 тани ташкил этди. Бешинчи чақириқнинг шу даврига қадар эса депутатлар томонидан 13 та қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Қонунчилик палатасига киритиш ташаббуси илгари сурилди.

Ўтган йилнинг ўзида фракция партия билан ҳамкорликда 40 га яқин қонун лойиҳасини жойларда муҳокама қилди. Ушбу муҳокамаларда фуқаролар томонидан билдирилган 50 дан ортиқ таклиф қонун лойиҳаларини такомиллаштириш жараёнида инобатга олинди.

ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ

Ўзбекистон ХДП фракцияси партия сайловолди дастурида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, аҳоли бандлигини таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш ва ижтимоий соҳадаги долзарб масалаларни ҳал этиш юзасидан парламент назоратини кучайтириб келмоқда.

Бу борадаги фаоллик йиллар давомида ортиб борди. Хусусан, учинчи чақириқда давлат органлари раҳбарларининг ахборотлари парламент мажлисларида икки марта эшитилган бўлса, тўртинчи чақириқда фракция таклифи билан бу кўрсаткич саккиз мартага етди. Шунингдек, давлат органларига юборилаётган парламент сўровлари сони ҳам беш бараварга ошди.

Фракция депутатлари сайловчиларнинг мурожаатлари ва жойлардаги ўрганишлар давомида аниқланган муаммоларни ҳам эътибордан четда қолдирмаяпти. Жумладан, 2020–2024 йилларда мансабдор шахсларга жами 252 та депутат сўрови юборилди. Уларнинг асосий мақсади — одамларни ташвишга солаётган масалаларни масъуллар олдига қўйиш, камчиликларга барҳам бериш ва муаммоларнинг ечимига эришишдир.

Бундан ташқари, фракция йиғилишларида вазирлик ва идоралар раҳбарларининг ахборотлари мунтазам эшитиб борилмоқда.

САЙЛОВЧИ БИЛАН МУЛОҚОТ

Халқ билан мулоқот — депутатлик фаолиятининг энг муҳим ва ажралмас қисми. Чунки одамларнинг дарду ташвишларини бевосита эшитиш, уларни ўйлантираётган масалаларни жойида ўрганиш ва ечими учун ҳаракат қилиш орқали халқ ишончини қозониш мумкин.

2020 йилдан буён фракция аъзолари сайлов округларида 4 866 маротаба учрашув ўтказиб, 4 139 та хонадонга ташриф буюрди. Бу учрашув ва ташрифлар нафақат одамларнинг мурожаатларини тинглаш, балки уларнинг яшаш шароити, кундалик эҳтиёжлари ва мавжуд муаммоларини чуқурроқ англаш имконини ҳам беради.

МУХОЛИФАТДАГИ ФРАКЦИЯ: КОНСТРУКТИВ ЁНДАШУВ

2025 йил 15 май куни Ўзбекистон ХДП фракцияси ўзини парламент мухолифати, деб эълон қилди.

Мухолифат фракция сифатида Ўзбекистон ХДПнинг позицияси давлат сиёсатида ижтимоий йўналишнинг устуворлигини таъминлаш, бюджет маблағларининг самарали сарфланиши ва қабул қилинаётган қарорларнинг аҳоли манфаатларига хизмат қилишига эътибор қаратишда намоён бўлмоқда.

Жумладан, Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2025 йилдаги ижроси муҳокамасида мамлакат иқтисодиётидаги барқарор ўсиш, бюджет даромадларининг кўпайиши, саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг ривожланиши қайд этилди. Шу билан бирга, фракция аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартиришга ажратилган маблағларнинг мақсадли ҳамда ўз вақтида сарфланиши, асосий озиқ-овқат маҳсулотлари нархларига таъсир этувчи омиллар ва янги қурилган ижтимоий соҳа объектларини аҳоли фойдаланишига ўз вақтида топшириш масалаларига алоҳида эътибор қаратди.

Ушбу масалалар юзасидан Вазирлар Маҳкамасига конструктив таклиф ва тавсиялар билдирилди.

35 йиллик тарих — фахр, бугунги фаолият — масъулият, эртанги кун эса янада катта вазифалар демакдир. Партиянинг юбилейи муносабати билан босиб ўтилган йўлни сарҳисоб қилар эканмиз, энг катта ютуқ халқ ишончини асраш ва унга муносиб бўлиш эканини унутмаслигимиз керак.





САЛМОҚЛИ ТАРИХИЙ ДАВР



Аслиддин РУСТАМОВ, Ўзбекистон Халқ демократик партияси фахрийси.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин мамлакатда янги сиёсий тизимни шакллантириш, фуқароларнинг сиёсий иродасини ифода этиш механизмларини яратиш ва вакиллик демократиясини ривожлантириш вазифалари кун тартибига чиқди. Бу жараён осон кечмади. Чунки янги давлатчилик асосларини барпо этиш билан бирга, иқтисодий муносабатлар ўзгараётган, бозор иқтисодиётига ўтишнинг мураккаб жараёнлари кечаётган бир даврда аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш ғоятда долзарб тус олган эди.

Ана шундай шароитда 1991 йил 1 ноябрда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг таъсис қурултойи бўлиб ўтди. Партиянинг ташкил топиши мамлакатимиз сиёсий ҳаётида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари, умуман халқ манфаатларини фаол ҳимоя қилишда туб бурилиш ясади.

Кўппартиявийликнинг моҳияти шундаки, жамиятдаги барча ижтимоий гуруҳларнинг манфаатлари бир хил эмас. Кимдир иқтисодий ташаббус ва тадбиркорликни ривожлантиришни устувор деб билса, бошқа бир гуруҳ аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, меҳнат ҳуқуқлари, пенсия таъминоти, таълим ва тиббий хизматлар сифатини биринчи ўринга қўяди. Демократик сиёсий тизим ана шу турли қараш ва манфаатларни қонуний йўллар билан ифода этиш, улар ўртасидаги баҳс-мунозаралар асосида жамият учун мақбул қарорлар қабул қилиш имконини бериши керак.

Шу маънода, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг сиёсат майдонига чиқиши муҳим воқелик бўлди. У мамлакат тараққиёти масалаларига, айниқса, ижтимоий тенглик, давлатнинг ижтимоий масъулияти ва аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини қўллаб-қувватлаш нуқтаи назаридан ёндашиш зарурлигини илгари сурди.

Мен 2003 йил 27 декабрда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг VI пленумида биринчи котиб этиб сайландим. Бу масъулиятли вазифани зиммамга олган чоғимда орттирган тажрибам менга бир ҳақиқатни янада чуқур англатди: партиянинг нуфузи унинг ташкилотлари сони ёки ўтказилган тадбирлари билан эмас, балки жамиятдаги муаммоларга қанчалик таъсирчан ечим таклиф эта олишда намоён бўлади.

Фаоллик партия доирасидан ташқарида ўқилмайдиган рисолаларда эмас, балки аниқ ишларда, парламентчилик ташаббусларида рўйи-рост кўринади. Кўппартиявийлик шароитида сиёсий партияларнинг ҳақиқий рақобати айнан шу мезонлар асосида белгиланади.

Бугун юртимиз сиёсий ҳаётида ҳам, халқимиз онгу тафаккурида ҳам янгиланиш нафаси сезилмоқда. Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар барча жабҳада, хусусан, сиёсий партияларнинг ўрни ва масъулиятини янада ошириш ҳақида жиддийроқ ўйлашни тақозо қилмоқда. Мамлакатда давлат ва жамият муносабатларини такомиллаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, парламент ва маҳаллий Кенгашлар фаолиятини кучайтириш масалалари сиёсий партиялардан халқчил ёндашувларни талаб этмоқда.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси учун ижтимоий адолат ва кучли ижтимоий сиёсат масалалари алоҳида аҳамиятга эга. Партиянинг 2024 йилги сайловолди дастурида ижтимоий ҳимояни кучайтириш, ижтимоий тафовутларни камайтириш, камбағалликни қисқартириш, аҳоли учун муносиб турмуш шароитларини яратиш ва давлатнинг ижтимоий мажбуриятларини самарали бажаришига эришиш каби мақсадлар устуворлик касб этади. Албаттаки, бу мақсадларнинг пировард натижаси ҳар бир инсон ҳаётида кўриниши керак. Иқтисодий ўсиш аҳоли даромадларининг ошиши, янги иш ўринларининг яратилиши, сифатли таълим ва тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятларининг кенгайиши билан ҳамоҳанг бўлса, ижтимоий барқарорлик мустаҳкамланади.

ЎзХДП ана шу кенг қамровли ёндашувни қонунчилик ташаббуслари, парламент назорати ва маҳаллий вакиллик органларидаги фаолияти орқали рўёбга чиқаришда давом этишига ишончим комил.

35 йил – бу кичкина рақам эмас. Бу авлодлар алмашинуви, дунёқарашлар ўзгариши ва жамият ҳаётида янги мақсадлар шаклланиши билан кечган салмоқли тарихий даврдир. ЎзХДПнинг галдаги вазифаси – мана шу тарихий тажрибани бугунги талаблар билан уйғунлаштириб, дастурий мақсадларни реал натижаларга айлантириш ва сайловчилар ишончини амалий ишлар билан мустаҳкамлашдан иборат. Чунки партия учун халқ ишончи сув ва ҳаво кабидир.

ҒОЯЛАР МУШТАРАК БЎЛСА ...



Гулистон АННАҚИЛИЧЕВА, Қорақалпоғистон халқ шоири, партия фахрийси.

Инсон қачон қайсидир ҳаракат ёки ғояга эргашади. Нафақат эргашади, балки унга чин дилдан хайриҳохлик қилади, қўллаб-қувватлайди, рўёбга чиқаришда фаол бўлишга интилади. Қачонки, ўша ғоя ёки ҳаракат унинг ўз қарашлари, нуқтаи назари, тафаккури, борингки, турмуш тарзининг тутумларига тўғри келса.

Халқ демократик партияси дастуридаги ижтимоий ҳимоя, ижтимоий адолат, ижтимоий тенглик тамойиллари нафақат менинг маҳнат йўлим, балки ҳаёт фалсафамнинг ҳам мазмун-моҳияти билан ҳамоҳангдир. Шу боисдан партия ташкил этилишидан бошлаб, мана 35 йилдирки, сиёсий куч сафида бўлиб, бутун билим ва имкиятларимни сафарбар этиб келяпман.

Халқ демократик партиясидан 1991 йилдан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Нукус шаҳар Кенгашларига депутат бўлдим, 10 йил давомида Сенат аъзоси сифатида фаолият юритдим. Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, шунингдек, қанчадан-қанча оилаларнинг уй билан таъминланишига, одамларнинг ишли бўлиб оиласига даромад келтиришига, ногиронлиги бор шахсларни, кексаларни ижтимоий ҳимоя қилишга, ёшларнинг ғоя ва ташаббусларини қўллаб-қувватлашга бевосита ҳисса қўшганимда менга шундай имконият, ҳуқуқ ва ваколат берилганидан беҳад мамнун бўлардим. Чунки, мен ўзим ҳар доим халқ орасида бўлганман. Халқ, юрт тақдирига дахдорликни ҳис қилиб яшаш ҳаётимнинг бош мезонидир. Юртимиздаги демократик жараёнлар ва Халқ демократик партияси менинг кўпгина нафақат орзу-мақсадларим, ташаббус — ғояларимни рўёбга чиқаришга ҳам имкон берган.

Биз икки палатали парламент шаклланганидан кейин ЎзХДПнинг Қонунчилик палатасида биринчи фракцияси аъзолари бўлганмиз. Ўша даврдаёқ фракциямиз томонидан аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш, ижтимоий соҳани ривожлантиришга қаратилган қатор қонун лойиҳалари илгари сурилган.


Кейинги ўн йилдаги сенаторлик фаолиятим эса Янги Ўзбекистон ва учинчи Реннесанс пойдеворини яратиш каби улуғвор ва тарихий ғоялар билан боғлиқ бўлди. Айниқса, бу даврга келиб Орол муаммосига чинакам ва мантиқий ёндашилди. Буларнинг барчаси шу ҳудуддан сайланган сенатор сифатида менга ҳам катта масъулият юклар эди. Ва бу масъулият ортидаги вазифаларни партия билан елкадош бўлиб амалга оширганмиз.

Бугун эса партия фахрийсиман. Айни пайтда фахрийлар олдида муҳим вазифалар борлигини ҳам чин дилдан ҳис қиламан. Жумладан, патиянинг мақсад ва ғояларини кенг омма орасида тарғиб қилиш, шу баробарда ғайрат-шижоатли ёшларни партияга кўпроқ жалб этиш, устоз ва шогирд анаъналарини давом эттириш, кўпмиллатли халқимиз орасида миллатлараро дўстликни мустаҳкамлаш бир сўз билан айтганда, жамиятда ижтимоий барқарорликни таъминлашда ҳамон камарбастамиз.

Хулоса сифатида бир гапни ишонч ва ғурур билан айта оламан. 35 йил партия билан бирга бўлиш – бу мен учун 35 йил халқ билан елкама-елка бўлиш имконини берди. Партиямизнинг сиёсий майдондаги ўрни янада мустаҳкамланаверсин!

ХУЛОСА СИФАТИДА БИР ГАПНИ ИШОНЧ ВА ҒУРУР БИЛАН АЙТА ОЛАМАН. 35 ЙИЛ ПАРТИЯ БИЛАН БИРГА БЎЛИШ – БУ МЕН УЧУН 35 ЙИЛ ХАЛҚ БИЛАН ЕЛКАМА-ЕЛКА БЎЛИШ ИМКОНИНИ БЕРДИ. ПАРТИЯМИЗНИНГ СИЁСИЙ МАЙДОНДАГИ ЎРНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАВЕРСИН!

ЗАМОН БИЛАН ҲАМНАФАСЛИК



Шарбат АБДУЛЛАЕВА, Ўзбекистон ХДП МК Фахрийлар кенгаши раиси, иқтисод фанлари доктори, профессор.

2000-йилларнинг бошида юртимизда сиёсий партиялар ҳаракатининг бир қадар жонланиши, улар сафида Ўзбекистон Халқ демократик партияси фаолиятининг яққол кўзга ташланиши, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларда халққа ён босиш нуқтаи назаридан энг муҳим ва долзарб масалаларни кун тартибига қўйиб, амалий ижроси сари дадил интилиши менинг ушбу ташкилотга бўлган қарашларим ҳамда ишончимни янада юксалтирди. Мазкур партиядан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутат этиб сайландим. 2005 йилда партиянинг навбатдаги съездида ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари лавозимига сайлашди. Партиядошларимизнинг менга ва бошқа қатор етакчиларга билдирган ишончи ортидан биз партия ҳаётини янада такомиллаштириш, уни соғлом рақобат муҳитида етакчига айлантириш, партия бошланғич ташкилотларидан тортиб, Марказий Кенгашигача бўлган тизимни сиёсий, ташкилий ва мафкуравий-маърифий жиҳатдан янгилаш, кадрлар салоҳияти ва малакасини оширишга ундади. Ва биз буни уддалай олдик, деб ўйлайман.

Шу ерда бир тарихий ҳодисага эътиборингизни қаратмоқчиман. Ўзбекистон Республикасида икки палатали парламент ўз фаолиятини бошлаган кезларда илк бор қонун лойиҳасига эътироз билдириб, уни халқ манфаатларидан келиб чиқиб қайта ишлаш зарурлиги тўғрисидаги хулосаси билан ортга қайтарган сиёсий партия ҳам Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳисобланади.

Таъкидлаш керакки, партиянинг барча бўғинини қамраб оладиган "сиёсий ўқувлар тизими" йўлга қўйилди. Бу эса наинки партия аъзолари, балки аҳоли кенг қатламининг сиёсий ва ҳуқуқий билимини оширишга, уларнинг ислоҳотлардаги иштирокини таъминлашга замин яратди. Партиянинг яна бир ютуғи – маҳалла тизимига катта аҳамият қаратганидадир. Тадбирларнинг аксарият қисми айнан қуйи тузилма — маҳаллаларда ўтказилиши депутатларимизга халқ билан янада яқин бўлиб, жойлардаги муаммоларни бор бўй-басти билан ўрганиш имконини берди.

Кам таъминланган аҳоли, хотин-қизлар ва ёшларнинг бандлиги масаласига устувор эътибор қаратиб, бу бўйича Марказий банк ҳамда тижорат банклари билан ҳамкорликда республика миқёсида иқтисодий форумларнинг юқори даражада ташкил этилиши яна бир диққатга молик ютуқлардан саналади.

Партия бугунги кунда иқтисодий ислоҳотларда ижтимоий самарадорликни кучайтириш лозимлигига, камбағалликка барҳам бериш ва янги иш ўринларини яратиш мақсадида ҳудудларнинг хусусияти ва имкониятини ҳисобга олиб, Ҳудудий ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш ва улар ижросида давлатнинг ролини оширишга, ногиронлиги бўлган шахслар, кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оила фарзандларига ажратиладиган нафақалар миқдорини ҳисоблашда ижтимоий адолат механизмларига амал қилиш масалаларига урғу бераётгани унинг замон билан ҳамнафас эканидан дарак беради.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг келгусидаги режа ва мақсадлари ҳам халқчиллиги билан аҳамиятлидир.

Ўйлаймизки, партиянинг бундай салмоқли ютуқлар кўламини тобора ошириб бориши учун салоҳияти ҳам, тажрибаси ҳам, имкониятлари ҳам етарли.

ЯНГИ МАҚСАДЛАР ИМКОНИ



Собир ҚУРБОНОВ, Ўзбекистон ХДП фахрийси, тарих фанлари номзоди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкил топган кундан мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида ўз ўрнини мустаҳкамлаб келмоқда. Бинобарин, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини ҳимоя қилиш, ижтимоий адолат ва тенг имкониятлар тамойилларини қарор топтириш, фуқароларнинг турмуш фаровонлигини оширишга кўмаклашиш партиямиз фаолиятининг мазмунини ташкил этади.

Бугун юртимизда иқтисодиётни юксалтириш, шаҳар ва қишлоқларимизни обод қилиш, камбағалликни қисқартириш, ёш авлоднинг билимли, маънавиятли ва етук инсонлар бўлиб камол топиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон Халқ демократик партияси сафдошлари ушбу эзгу мақсадларни қўллаб-қувватлаб, уларнинг амалга ошишига ўз ҳиссаларини қўшаётгани кишини мамнун қилади.

Партиямизнинг 35 йиллик тарихига назар ташлар эканман, унинг энг катта ютуқларидан бири халқ билан ҳамнафас бўлиб келаётганида, ўз сафини ватанпарвар, фидойи ва фаол юртдошларимиз ҳисобидан кенгайтириб бораётганида, деб биламан. Таъсис этилган даврда партия сафига 350 мингдан ортиқ аъзо бирлашган бўлса, жорий йилнинг бошида ушбу рақам 1 млн 280 минг нафарга етибди! Диққатга молик жиҳат шуки, партиядошларимизнинг ярми аёллар бўлса, 410 минг нафардан ортиғи 30 ёшгача бўлган йигит-қизлардир. ЎзХДП сафида бугун талабалардан тортиб муаллиму олимлар, шифокорлару тадбиркор, хуллас, турли касб ва турли миллат вакиллари бор. Бу эса партиянинг жамиятдаги турли ижтимоий гуруҳлар билан узвий алоқада эканидан далолат беради. Уларнинг ҳар бири ўз тажрибаси, билими ва меҳнати билан мамлакат тараққиётига ҳисса қўшмоқда. Ана шу бирдамлик ва ҳамжиҳатлик партиямизнинг маънавий таянчи, келгуси фаолияти учун муҳим омилдир.

Барчага маълумки, Президент раҳбарлигида Янги Ўзбекистонни барпо этиш, инсон қадрини улуғлаш йўлидаги ислоҳотлар кун сайин кенг қамров ва жадал суръат касб этмоқда. Бу жараёнда сиёсий партиялар зиммасига ҳам катта масъулият юкланади. Хусусан, фуқароларнинг талаб ва таклифларини ўрганиш, уларнинг ҳаётий муаммоларини ҳал этишга бор куч ва имкониятни сафарбар этиш, ижтимоий адолат ҳамда ижтимоий барқарорликни сақлаш ЎзХДПнинг доимий эътиборида, десам айни ҳақиқатни айтган бўламан. Таъбир жоиз бўлса, ХДПнинг «тетапоя қилиб» то бугунги кунда ўз нуфузига эга сиёсий кучга айлангунига қадар бўлган тарихда мен ҳам озми-кўпми иштирок этганим — бу умримнинг энг шарафли саҳифаларидан биридир.

35 йиллик юбилей келгуси фаолият учун янги мақсадларни белгилаб олиш имконияти эканини ҳам унутмаслик керак.

Аниқки, Ўзбекистон Халқ демократик партияси ўзининг бой тажрибаси, дастурий мақсадлари ва халқчил ғояларига содиқ қолган ҳолда мамлакатимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшишда давом этади. Бунинг учун партиянинг ҳар бир аъзоси ўз фаолиятида ташаббускорлик, масъулият ва фидойиликни намоён этиши зарур. Ахир партиянинг ҳақиқий куч-қудрати унинг сафидаги инсонлар, халқ орасидаги обрўси ва эл-юрт учун амалга ошираётган ишларида намоён бўлади.

O‘zbekiston Ovozi
№43, 2026-yil, 30-oktabr, juma

O‘zbekiston ХФР Xalq demokratik partiyasi 35 yil birgamiz!

НАТИЖАЛАР САРҲИСОБИ



Ҳалилла ЕШИМБЕТОВ, ЎзХДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раиси:

— Ҳаётидан рози бўлиб яшаётган Оролбўйи аҳолисининг кўтаринки кайфияти партиямизнинг 35 йиллигига бағишланган тадбирларимизда яққол кўриниб турди. Дарҳақиқат, бугун босиб ўтилган йўлни сарҳисоб қилиш, эришилган натижаларни баҳолаш ва келгуси вазифаларни белгилаш учун муҳим фурсатдир.

Ўзбекистон ХДПнинг Қорақалпоғистон Республикасидаги ташкилий тармоғи 1 та шаҳар ва 16 та туман кенгашини қамраб олган. Ҳудудда партия аъзолари сони 69 385 нафарни ташкил этади. Жўқорғи Кенгесда партиядан сайланган 11 нафар, туман ва шаҳар Кенгашларида эса 80 нафар депутат фаолият олиб бормоқда.

Партия депутатлари томонидан сайловчилар билан мулоқот қилиш, фуқаролар мурожаатларини ўрганиш, ижтимоий муаммоларни аниқлаш ва уларнинг ечимига кўмаклашишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Депутатлик сўровлари ва жамоатчилик назорати орқали аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда масъул ташкилотлар масъулиятини кучайтириш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Келгусида депутатлик гуруҳлари фаолиятини такомиллаштириш, фуқаролар мурожаатларини ҳал этиш самарадорлигини ошириш, бошланғич партия ташкилотларини қўллаб-қувватлаш ва фаолиятимизни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритишга алоҳида эътибор қаратишимиз зарур. Шунингдек, давлат органлари ва маҳаллалар, нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш бугунги куннинг талабидир.



Ирина ТОКАРЕВА, ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси:

— Мамлакатимизда, айниқса, кейинги 10 йилда демократик ислоҳотлар жадал ривожланди. Бу жараёнда сиёсий партиялар ҳам ўз мақсад ва вазифаларини аниқлаштириб, такомиллаштириб борди. Жумладан, партиямизнинг Сайловолди дастурида ҳам ижтимоий давлат, инсон қадри тамойилларидан келиб чиқиб, муҳим вазифалар қўйилди. Бу барчамизга катта масъулият юклайди, албатта.

Бугунги кунда шаҳар партия ташкилоти тизимида 12 та туман кенгаши, 944 та бошланғич партия ташкилоти ва 115 996 нафар партия аъзоси мавжуд. Партиянинг шаҳар ва туман кенгашларида жами 57 нафар депутат фаолият юритмоқда. Бу катта ташкилий салоҳият, айни пайтда аҳоли олдидаги катта масъулият ҳамдир. Энг муҳими, ушбу имкониятлар фақат рақамларда эмас, балки одамларнинг кундалик муаммоларини ҳал этишда намоён бўлмоқда.

Депутатларимиз фаолиятида аҳоли мурожаатларини ўрганиш, сайловчилар билан учрашиш ва кўтарилган масалаларни тегишли ташкилотлар олдига қўйишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Келгусида ҳам бошланғич ташкилотларни қўллаб-қувватлаш, сайловчилар билан очиқ мулоқотни кенгайтириш, депутатлик сўровлари ва жамоатчилик назорати орқали аҳоли муаммоларининг ечимига эришиш каби масалалар диққат марказимизда бўлади. Чунки одамлар учун энг муҳими — уларнинг мурожаати эшитилиши, муаммоси ўрганилиши ва натижа бўйича аниқ жавоб олишидир.

Шу байрам кунларида олдимизда турган вазифаларни ҳам яна аниқлаштириб оляпмиз.



Сарварбек СУЛТОНОВ, Ўзбекистон ХДП Сирдарё вилоят кенгаши раиси:

— Бугун мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб, Янги Ўзбекистон пойдеворини яратиш давригача партиямиз босиб ўтган йўл ҳар биримизнинг кўз ўнгимизда гавдаланмоқда. Унинг бир қисмида ўзим ҳам борлигимдан фахрланаман, албатта.

Халқ ишончини оқлаш, инсон қадрини улуғлаш ва одамларнинг дарду ташвишларига ҳамдард бўлиб, муаммоларига ечим топиш каби эзгу мақсадлар Сирдарё вилоятидаги партия ташкилоти фаолиятида ҳам ўз ифодасини топмоқда.

Ҳозир вилоятда партиямизнинг 542 та бошланғич ташкилоти, 54 нафар депутати ва 43 100 нафар аъзоси мавжуд. Бу — халқ билан ишлаш учун кучли ташкилий салоҳият, аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш учун кенг имкониятдир. Жумладан, халқ депутатлари вилоят Кенгашида 9 нафар, туман ва шаҳар Кенгашларида 45 нафар депутатимиз бор. Уларнинг фаолиятида аҳоли билан очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, фуқаролар мурожаатларини жойида ўрганиш ва сайёр қабуллар орқали мавжуд муаммоларга ечим топишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, ижтимоий ҳимоя, бандлик, коммунал хизматлар ва инфратузилмага оид масалаларни жойида ўрганиш депутатларга муаммоларни чуқурроқ англаш ва улар юзасидан аниқ таклифлар ишлаб чиқиш имконини беради.

Партиямизнинг 35 йиллик тажрибаси ва мавжуд ташкилий салоҳиятини дастурий мақсадлар ижросига йўналтириш, депутатлар ва партия фаолларининг масъулиятини ошириш орқали аҳоли ишончини янада мустаҳкамлаш мумкин, албатта. Халқ манфаати йўлида қилинган ҳар бир амалий иш, ҳал этилган ҳар бир муаммо ва инсонлар қалбига улашилган ёруғлик бизни янада ғайрат-шижоатга ундайди.



Акмал УМАРАЛИЕВ, ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши раиси:

— Ёшлигимдан бутун ҳаётим партия билан боғлиқ. Шу боисдан ҳам мен бугун умримнинг қайсидир қисмида қилган ишларимни сарҳисоб этаётгандайман. Сафимизда худди шундай ўз ҳаётини партия ҳаётига уйғун ҳолда кўрадиганлар жуда кўп. Уларда узоқ йиллар давомида шаклланган ўз ишига садоқат ва масъулият партия ҳаётига энди кириб келаётган ёшларга чин маънода ўрнак бўлади. Шу боисдан биз партиямизнинг 35 йиллигига бағишлаб вилоят миқёсида ўтказган тадбиримизни ҳам уч авлод учрашуви шаклида ташкил этдик.

Бугунги кунда вилоятда партиянинг 22 та шаҳар ва туман кенгашлари, мингдан ортиқ бошланғич ташкилоти фаолият юритмоқда. Партия аъзолари сони 140 713 нафарни ташкил этиб, уларнинг 52 698 нафари хотин-қизлар, 38 802 нафари ёшлардир. Бу катта салоҳият аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш ва партия ташаббусларини жойларда амалга оширишда қўл келади.

Келгусида бошланғич партия ташкилотлари фаоллигини ошириш, аъзолар сафини ёшлар ва хотин-қизлар ҳисобига кенгайтириш, депутатлик сўровлари ҳамда жамоатчилик назорати натижадорлигини кучайтириш муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, «Ёш сиёсатчи», «Сиёсатдаги аёллар», «Депутат ва ёшлар» каби лойиҳаларни кенгайтириш, сайловчилар билан учрашувларни кўпайтириш ва фаолияти суст ҳудудларда манзилли иш олиб боришни янада кучайтиришни назарда тутяпмиз. Бир сўз билан айтганда, партиянинг имкониятлари катта, энди асосий вазифа уларни аниқ натижага айлантиришдир.



Раҳимберган ЮСУПОВ, ЎзХДП Хоразм вилоят кенгаши раиси:

—Ҳозир барча партиядошларимиз қаторида мен ҳам жуда ҳаяжондаман. Бу санани нишонлар эканмиз, амалга оширган ишларимизга назар ташлаш ва олдимизда турган вазифалар ҳақида очиқ гаплашиб олишни муҳим, деб биламан. Чунки ҳар бир йил ортда қолар экан, у бизга нафақат тажриба, балки янги масъулият ҳам юклайди.

Бугунги кунда вилоятда 2 та шаҳар ва 11 та туман партия кенгаши фаолият юритмоқда. Айни пайтда вилоятда партия аъзолари сони 72 837 нафарни ташкил этади. 2026 йил давомида партия сафига 4 670 нафар янги аъзо қабул қилинди. Табиийки, аъзоларни фақат сон жиҳатидан кўпайтириш эмас, балки уларнинг ташаббускорлиги ва жамоатчилик ишларидаги иштирокини ҳам ошириш биз учун муҳимдир.

Партиядан сайланган 9 нафар вилоят ва 69 нафар туман Кенгаши депутатлари аҳоли манфаатларини ҳимоя қилишда сезиларли ўринга эгалар. Уларнинг асосий вазифаси сайловчилар билан мунтазам мулоқот қилиш, мурожаатларда кўтарилган муаммоларни ўрганиш ва тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда амалий ечим топишдан иборат. Айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар, ёшлар ва талабалар билан учрашувлар ўтказиш, уларнинг таклифларини эшитиш ва муаммоларини ҳал этишга кўмаклашишга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз.

Ана шу ёндашув партиянинг халқ орасидаги нуфузини мустаҳкамлашга хизмат қилади.




Нуриддин ХОЛМАТОВ, Ўзбекистон ХДП Жиззах вилоят кенгаши раиси:

— Партиямизнинг бутун тизими қаторида аъзоларимиз, ҳайриҳоҳларимиз, борингки, ҳамкор ташкилотларимиз байрам тадбирларимизда қатнашиб, амалий ишларимизни эътироф этишаётгани қалбимизни мамнуниятга чулғайди, албатта. Таъкидлаш лозимки, вилоятда партиянинг 611 та бошланғич ташкилотида 57 659 нафар аъзо бирлашган. Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларида партиядан сайланган 66 нафар депутат фаолият юритмоқда.

2026 йилнинг дастлабки тўққиз ойида вилоят Кенгаши депутатлари 48 та депутатлик сўрови юбориб, уларнинг 35 таси бўйича ижобий натижага эришди — бу 72,9 фоиздир. Шаҳар ва туман Кенгаши депутатлари киритган 267 та сўровнинг 190 таси, яъни 71,2 фоизи ижобий ҳал этилди.

«Депутат маҳаллада» ташаббуси аҳоли билан бевосита мулоқот қилиш, ички йўллар, ичимлик суви, электр таъминоти, бандлик, ижтимоий ёрдам, таълим ва тиббий хизматга оид муаммоларни жойида ўрганиш имконини бермоқда.

Партиянинг ижтимоий йўналтирилган сиёсати доирасида кўмакка муҳтож аҳоли манфаатларини таъминлаш, бошланғич ташкилотлар ва депутатлар ҳамкорлигини кучайтириш, жамоатчилик назоратини ривожлантиришга жиддий эътибор қаратяпмиз. Ҳал этилган муаммолар ва инсонлар ҳаётидаги ижобий ўзгаришлар фаолиятимизни холисона баҳолашда бош мезон бўлиб қолади.



Алишер ПАРДАЕВ, Ўзбекистон ХДП Сурхондарё вилоят кенгаши раиси:

— Бугунги жадал ислоҳотлар жараёнида нафақат юртимиз қиёфаси ёки иқтисоди, балки одамларимизнинг дунёқараши ва тафаккури ҳам ўзгарди. Улар бугун сиёсий партиянинг мақсад ва вазифалари, амалий ишларини чуқур ўрганиб, ҳайриҳоҳ бўлсагина, сафга қўшилади. Шу жиҳатдан бизнинг сафимиз тобора ортиб бораётганини бугунги байрам кунларида фахрланиб айтса арзийдиган ҳолат, деб ҳисоблайман. Хусусан, Сурхондарё вилоятида партиямиз аъзолари 92 521 нафарни ташкил этади. Уларнинг 48 260 нафари ёшлар, 35 357 нафари хотин-қизлардир.

Дарвоқе, айни вақтда фаолиятимиз мазмуни, энг аввало, одамлар ҳаётидаги муаммоларга бефарқ бўлмаслик, уларнинг дардини эшитиш ва имкони борича ечим топишга кўмаклашишда намоён бўлади. Чунки оддий фуқаро учун энг муҳими — унинг мурожаати эътиборсиз қолмаслиги, муаммоси қоғозда эмас, амалда ҳал бўлиши ва масъуллардан аниқ жавоб олишидир. Шу боис партиянинг ҳар бир ташаббуси халқ ҳаётига яқин бўлиши, ҳар бир депутат одамлар орасида юриб, уларни қийнаётган масалаларни ўрганиши ва натижа учун масъулиятни ҳис қилиши лозим.

Бу йўналишдаги ишларимизда «Депутат маҳаллада», «Уйма-уй», «Бир маҳалла — бир ташаббус» каби лойиҳалар муҳим аҳамият касб этади. «Қувонч ва меҳр улашайлик», «Соғлом жамият — кучли давлат» ташаббуслари орқали эса ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларни қўллаб-қувватлаш, аҳоли саломатлигига эътибор қаратиш имкониятлари кенгаймоқда.

Мақсадимиз аҳоли билан очиқ мулоқотни кенгайтириш ва натижадорликни оширишдан иборат.

ВА СИЁСИЙ МАЙДОНДАГИ ИСТИҚБОЛ



Бахтиёр ТАШЕВ,
Ўзбекистон ХДП Навоий вилоят кенгаши раиси:

— Юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик, турмушимиз фаровонлиги боис байрамларимиз кўтаринки руҳда ўтади. Мана, партиямизнинг 35 йиллигини қуйи бўғинларда ҳам кенг нишонлаяпмиз. Навоийлик кўп миллатли партиядошларимиз, албатта, буни ҳар дақиқада ҳис қилишади.

Фаолиятимиз асосан ижтимоий адолатни мустаҳкамлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини қўллаб-қувватлаш, шу мақсадда депутатлик ва жамоатчилик назоратини кучайтиришга қаратилган.

Вилоят кенгаши тизимида 640 та бошланғич партия ташкилоти мавжуд бўлиб, уларга 46 465 нафар аъзо бирлашган. Халқ депутатлари вилоят Кенгашида партиядан 7 нафар, шаҳар ва туман Кенгашларида 40 нафар депутат фаолият олиб бормоқда.

Ногиронлиги бўлган шахслар учун яратилган шароитлар, реабилитация воситалари билан таъминлаш, инклюзив таълим сифати ва бандлик масалалари доимо диққат марказимизда. Муаммоларни бартараф этиш бўйича масъул ташкилотлар билан ҳамкорликни кучайтиряпмиз.

Маҳаллалар ва меҳнат жамоаларидаги учрашувлар партия ташаббусларини кенг жамоатчиликка етказишга хизмат қилмоқда.

2026 йил якунига қадар партия аъзолари сонини яна 1000 нафарга ошириш режалаштирилган. Депутатлар, партия ташкилотлари ва ҳамкор идораларнинг мувофиқлашган иши фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилиш ва халқ ишончини мустаҳкамлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.



Мансурали МАХСУДОВ,
Ўзбекистон ХДП Андижон вилоят кенгаши раиси:

— Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини ташкил этадиган аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий адолатни таъминлаш ва халқ билан мулоқотни мустаҳкамлаш Андижон вилояти кенгашининг ҳам устувор вазифаларидандир.

Бундай кенг кўламли ишларни амалга ошириш учун салоҳиятимиз етарли. Жумладан, вилоятда партиянинг 16 та шаҳар ва туман кенгаши, улар таркибида 1122 та бошланғич ташкилоти фаолият юритмоқда. Партия аъзолари 113 489 нафарни ташкил этади. Халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларида 99 нафар партия вакилининг 28 нафари аёллар.

Жорий йилда депутатлик гуруҳлари 57 та масалани кўриб чиқди: 19 таси доимий комиссиялар, 38 таси Кенгашлар сессиялари муҳокамасига киритилди. Жамоатчилик қабулхоналарига келиб тушган 1377 та мурожаатнинг 1265 таси ижобий ҳал этилди. Депутатлар юборган 265 та сўровнинг 231 тасига ижобий жавоб олинди. Партиямиз тизимида байрам шукуҳи давом этаётган шу кунларда бу натижаларни таъкидлаб ўтиш ўринли, деб ўйлайман.

Йил якунига қадар ислоҳотлар ва қонунчиликдаги янгиликларни аҳолига тушунтириш, депутатлик назоратини кучайтириш, фуқаролар манфаатларига оид масалаларни маҳаллий Кенгашлар муҳокамасига олиб чиқиш режалаштирилган. Бошланғич ташкилотлар, депутатлар ва жамоатчилик қабулхоналари ҳамкорлиги халқ ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилади.



Бадриддин НАСРИЕВ,
ЎзХДП Самарқанд вилоят кенгаши раиси:

— Бутун дунё эътиборида бўлиб, йирик халқаро тадбирлар мезбонига айланган кўҳна Самарқандда партиямизнинг 35 йиллигини ҳам кенг нишонладик. Эътиборга арзирли ишларимиз байрамга янада мазмун-моҳият бағишлади. Айни пайтда вилоятда партиядан сайланган 95 нафар депутат, 151 364 нафар аъзоси мавжуд. Аъзоларнинг 72 071 нафари аёллар, 53 118 нафари ёшлардир. Жорий йилда партия сафига 8 мингдан ортиқ янги аъзо қабул қилинди.

Эришилган натижалар билан бирга, олдинда турган вазифалар ҳам долзарб. Аввало, депутатлик гуруҳлари фаолиятини кучайтириш, фармон ва қарорлар ижросини ўрганиш, фуқаролар мурожаатларини назоратга олиш ва аниқ муаммоларнинг қонуний ечимига эришиш зарур. Бошланғич партия ташкилотлари фаоллигини ошириш, ёшлар ва хотин-қизлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, маҳаллаларда аҳоли билан очиқ мулоқотларни кўпайтириш ҳам устувор вазифалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон ХДПнинг 35 йиллик тажрибаси келгуси фаолият учун мустаҳкам заминдир. Бу тажрибани амалий натижалар билан бойитиш ва халқ ишончини янада мустаҳкамлаш — партиянинг энг муҳим вазифаси ҳисобланади.



Зулфия ТУЙЕВА,
Ўзбекистон ХДП Бухоро вилоят кенгаши раиси:

— Албатта, муҳим саналар байрамона руҳ касб этади. Шу билан биргаликда бу сарҳисоб жараёни ҳамдир. Зеро, эришилган ютуқ ва натижалар ҳар бир байрамга янада шукуҳ бағишлайди. Вилоят партия ташкилоти тизимидаги 13 та шаҳар ва туман кенгаши ҳамда 766 та бошланғич партия ташкилоти бизнинг куч-қудратимиздир. Кенгашлардаги 74 нафар партия вакили аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш орқали сайловчилар ишончини оқлаб келмоқда.

Асосий вазифа — мавжуд ташкилий имкониятлардан самарали фойдаланиш, депутатлар ва бошланғич ташкилотлар фаоллигини ошириш билан боғлиқ. Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар, кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Депутатлик сўровлари, доимий комиссиялар ва жамоатчилик назорати орқали муаммоларни аниқлаш, уларни Кенгашлар муҳокамасига киритиш ҳамда қарорлар ижросини кузатиб бориш муҳим.

Партиянинг ташкилий таянчи бўлган бошланғич ташкилотларда аъзолар иштирокини кучайтириш, ёшлар ва хотин-қизлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда дастурий мақсадларни тушунтириш фаолиятимизнинг асосини ташкил этади. Шу билан бирга, ҳар бир шаҳар ва туман кенгаши иш натижаларини мунтазам таҳлил қилиши, камчиликларни бартараф этиши ва амалий тажрибаларни оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий тармоқларда ёритиши лозим. Бу ишлар партиянинг аҳоли билан алоқаларини



Илҳом АТАБАЕВ,
Ўзбекистон ХДП Наманган вилоят кенгаши раиси:

— Ўтган давр сарҳисоби, келажак режаси. Бугун жуда катта мазмун-моҳият касб этадиган ана шу икки йўналишни таҳлил қиляпмиз. Ортда қолган йиллар барчамиз учун катта тажриба бўлса, келажакдаги фаолиятимиз рақамлаштириш, сунъий интеллект ва бошқа замонавий билимлар билан боғлиқ кўникмаларни талаб этади. Шу ўринда партия ташкилотларимиз ва депутатларимиз салоҳияти бизга катта куч бўлади, албатта. Халқ депутатлари Наманган вилоят Кенгашида партиянинг 14 нафар, шаҳар ва туман Кенгашларида эса 75 нафар депутати фаолият юритмоқда. Улар 2024–2029 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастури ва 2026 йил учун белгиланган вазифалар асосида иш олиб бормоқда.

Партия депутатлари давлат мактабгача таълим ташкилотларида болалар ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш, хавфсизлик талабларига риоя этилиши масаласига алоҳида эътибор қаратишмоқда. Ишчи гуруҳлар шаҳар ва туманлардаги 136 та ташкилот фаолиятини кўриб чиқди.

Шу йилнинг ўзида партия лойиҳалари доирасида 376 та тадбир ва акция, партия ғоялари бўйича 283 та давра суҳбати ҳамда ижтимоий-иқтисодий масалаларга бағишланган 97 та тадбир ташкил этилди. Уларда 13 500 нафар фуқаро қамраб олинди, 209 та манзилли йўқлов тадбири амалга оширилди.

«Депутат ва ёшлар» учрашувлари ҳамда «Сиёсатдаги ёшлар» интеллектуал турнири ўтказилди.

Келгусида мурожаатларни ҳал этиш, депутатлик сўровлари ижросини назорат қилиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларни қўллаб-қувватлаш ва ёшлар ҳамда хотин-қизлар бандлигига кўмаклашишга эътибор янада кучайтирилади, албатта.



Олим РАВШАНОВ,
Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши раиси:

— Халқ демократик партияси тизимидаги узоқ йиллик фаолиятимга таянган ҳолда айтишим мумкинки, партиямизнинг мақсад ва вазифалари йилдан-йилга такомиллашиб борди. Айниқса, янги Конституциямизда ифода этилган ижтимоий давлат тамойили масъулиятимизни янада оширди, десак муболаға бўлмайди. Қашқадарё вилоятида ҳам партия сафини кенгайтириш, депутатлик назоратини кучайтириш, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда ёшлар ва хотин-қизлар фаоллигини оширишга устувор аҳамият берилмоқда.

Айни пайтда партия аъзолари 118 203 нафарни ташкил этади. Уларнинг 62 254 нафари (53 фоизи) хотин-қизлар, 40 474 нафари (34 фоизи) ёшлардир.

2024 йилги сайловларда партиядан вилоят Кенгашига 13 нафар, шаҳар ва туман Кенгашларига 79 нафар депутат сайланди. Улар Амалий ҳаракатлар дастури ва Сайловолди дастурида белгиланган вазифаларни бажариш, электорат манфаатларига дахлдор масалаларни маҳаллий Кенгашлар муҳокамасига олиб чиқиш устида ишламоқда. 2026 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, партия гуруҳлари ташаббуси билан 97 та масала сессияларда кўриб чиқилди, 97 нафар мансабдор шахснинг ҳисобот ва ахбороти эшитилди.

Йилнинг дастлабки тўққиз ойида депутатлар 351 та сўров юбориб, уларнинг 264 тасига ижобий жавоб олди.

Партия ташкилотларини ёшартириш ва ташаббускор аъзолар сафини кенгайтириш мақсадида олий таълим муассасаларида ёшлар ва хотин-қизлар иштирокида тадбирлар ўтказилмоқда. «Раҳбар ва ёшлар» учрашувлари, «Сиёсатдаги ёшлар» интеллектуал турнири, волонтёр ёшлар клуби ва «Ренессанс қизлари» клуби уларнинг сиёсий жараёнлардаги иштирокини оширишга қаратилган.

Асосий мақсад — партия дастурини ҳаётга татбиқ этиш, аъзолар сафини кенгайтириш ва электорат манфаатларини самарали ҳимоя қилиш.



Шоҳруҳ ЎКТАМОВ,
Ўзбекистон ХДП Фарғона вилоят кенгаши раиси:

— Мен, энг аввало, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзоси сифатида партиямизда ёшлар билан ишлаш тизимли ва изчиллик асосида йўлга қўйилганлигини эътироф этгим келади. Зеро, ўзим ҳам партиямизнинг "Ёшлар қаноти"дан мадад олиб кўп ютуқларга эришдим. Шу боисдан ҳам партиям мен учун қадрлидир.

Фарғона вилоятида ҳам депутатлик фаолияти самарадорлигини ошириш, жамоатчилик назоратини кучайтириш ва Сайловолди дастуридаги вазифалар ижросини таъминлаш устувор ҳисобланади.

2024 йилги сайловларда партия вилоят Кенгашида 11 та, шаҳар ва туман Кенгашларида 104 та депутатлик ўрнини қўлга киритдик.

Ўтган даврда сайлов округларида 3701 та учрашув ва сайёр қабул ўтказилиб, 19 879 та мурожаат қабул қилинди. Уларнинг 18 813 таси ижобий ҳал этилди.

2026 йил бошидан буён вилоятда 72 та жамоатчилик ва депутатлик назорати тадбири ўтказилди. Уларда аҳолини қийнаётган ижтимоий-иқтисодий масалалар жойига чиққан ҳолда ўрганилди. Энди аниқланган камчиликларни бартараф этиш, чора-тадбирлар ижросини кузатиш ва ташаббуслар натижасини баҳолаш муҳим.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини қўллаб-қувватлаш, бандликни таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш сайловолди дастуримизга уйғун масалалардир. Бу йўналишларда депутатлик гуруҳлари фаолиятини ҳал этилган муаммолар ва аҳоли ҳаётидаги ижобий ўзгаришлар билан баҳолаш тўғри бўлади.



АФСОНАЛАРИ ҲАҚИҚАТГА АЙЛАНГАН ЮРТ

Олимжон ЎСАРОВ,
филология фанлари номзоди, доцент.

НАҲОТКИ ШУНДАЙ МАМЛАКАТ БЎЛСА?

Бугун ёшимиз улғайиб, ортда қолган ҳаётимизга, теварак-атрофимизда содир бўлаётган улкан ва шиддатли ўзгаришларга боқар эканмиз, беихтиёр болалигимизда тинглаганимиз эртагу афсоналар хаёлимиздан ўтади.

Ўшанда эшитганимиз – бозорлари тўкин, подшоҳи одил ва қатъий, бойлари ҳотамтой, лашкари енгилмас ва қудратли юрт ҳақидаги эртаклар ширин орзулар суришимизга қанот берарди. Ҳозир ўша кунларни эслар эканман, хаёлимда ўша хотиралар, афсонавий қаҳрамонлар қайта жонланади:

«Бир бор экан, бир йўқ экан, бир мамлакат бор экан. Унда одамлар шод-хуррам, фаровон ва эмин-эркин яшар экан. Бойлари катта-катта ерларга, мевали боғларга эга экан. Улар топган бойликларидан, олинган ҳосил баракасидан кўприклар, мактаблар, шифохоналар қурар, етимларнинг кўнглини кўтариб, беморлар ҳолидан хабар оларкан.

Ўғлонлари ботир, мерган ва мард экан, юрт сарҳадларини сергак қўриқлаб, ҳеч бир ёвни, қора ниятли кимсани муқаддас тупроққа яқинлаштирмас экан.

Бу юртни халқини ўз фарзандидек севадиган адолатли ва халқпарвар ҳукмдор бошқарар экан. Шу боис инсонлар доимо бахтли, қўшни мамлакатлар аҳолиси билан аҳил-иноқ ва очиқ чегаралар воситасида доимий борди-келди қилиб яшар экан...»

Ўшанда болалик қалбимиз билан бувимиз айтган бу каби эртакларни тинглаб, қоронғу ва совуқ осмондаги ёруғ юлдузларга термулиб: «Наҳотки шундай мамлакат бўлса? Наҳотки одамлар, бувимиз айтганидек, тўкинликда, фаровонликда ва адолатли жамиятда яшаши мумкин?» дея хаёл сурардик.

Чунки у даврлар... Уйларимизнинг остонасигача пахта экилган, болалиги ва ёшлиги далаларда мажбурий меҳнат билан ўтган, мактабга ака-укалар битта формани навбат билан кийиб борадиган мунгли кунлар эди. Одамлар оғир ва қадрсиз меҳнат чарчоғи билан яшар, ҳақиқат ва адолат муросасиз топталган, элнинг эртанги кунга бўлган ишончи сўниб бораётган мураккаб давр эди.

Ўшанда болалик шууримиз билан буларнинг барча сиёсий ва ижтимоий сабабларини чуқур англамасак-да, катталарнинг ғамгин ва чарчоқ чеҳраларидаги изтиробни, ота-онамизнинг рўзғор торлигидан чеккан оғриқларини ҳис қилардик. Дўкон токчаларида бежирим шилдироқ қоғозларга ўралган ширинликларга мўлтираб қараш бор эди-ю, уни татиб кўришга имкон йўқ эди. Болалик тасаввуримиздаги ўша афсонавий юрт шу сабабли ҳам биз учун эришиб бўлмас, олис бир орзудек кўринарди.

Бироқ... Замон чархпалаги айланиб, кўз ўнгимизда улуғ мўъжиза ва буюк Ренессанс содир бўлди: болалигимизда эшитган ўша эртаклар ва афсоналар ҳақиқатга айланди!

Ҳа, бу қуруқ сафсата ёки баландпарвоз гап эмас. Бугун Янги Ўзбекистон – болалигимизда орзу қилганимиз ўша адолатли, қудратли ва саховатли мамлакатнинг айнан ўзига айланди. Фермерларимиз ўз ерларининг ҳақиқий эгасига, тадбиркорларимиз мактаб, шифохона ва кўприклар қураётган, ижтимоий масъулиятни бўйнига олган саховатпеша бойларга айланди. Юраги Ватан деб ураётган, дунёни забт этаётган ватанпарвар ўғил-қизларимиз юрт ишончи ва ифтихоридир.

Мусаффо осмонимиз, тўкин дастурхонимиз, бозорларимиздаги мўл-кўллик ва энг муҳими – ўз уйида қадрини топган инсонларнинг табассуми энди бошқаларга ҳавас бўлди. Мўъжизавий ижтимоий ҳимоя тизими яратилиб, етимлар, ногиронлиги бор ва кўмакка муҳтож инсонларни эъзозлаш, "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмайди" деган тамойил давлат сиёсатининг ва жамиятимизнинг муқаддас бурчига айланди.

Бу шунчаки қуруқ мақтовлар ёки қофияли жумлалар эмас. Келинг, фикримиз исботи сифатида ҳаётий ва ёрқин мисолларга мурожаат қилайлик.

ЎЗ ҲИСОБИДАН МАКТАБ БУНЁД ЭТГАН ҚАҲРАМОНЛАР

Сўнгги 10 йилда мамлакатимизда тадбиркорликка кенг йўл очилиши ва хусусий мулкнинг дахлсизлиги кафолатланиши



натижасида жамиятда янги тоифа – эҳтиёжмандга қўл узатадиган, эл хизматини олий саодат деб биладиган саховатпеша миллий тадбиркорлар синфи шаклланди.

Шундай ватанпарвар ҳамюртларимиздан бири – навоийлик тадбиркор Абдукарим Саксоновдир. У раҳбарлик қилаётган "Саксонов" МЧЖда бугун юзлаб ватандошларимиз ҳалол ва муносиб меҳнат қилиб, оиласига баракали даромад келтирмоқда. Унинг саховати, эл-юрт корига яраши тилдан-тилга ўтиб, элга достон бўлган. Навоий шаҳрида барпо этилган "Янги ҳаёт" уй-жой мажмуасидан етим болаларга бепул хонадонлар совға қилгани ҳамда Мирзо Улуғбек маҳалласида яшовчи Ихтиёр Бозоровнинг оиласи бошига тушган оғир синовларда кўрсатган беминнат кўмаги чинакам инсонийлик, меҳр-оқибат ва саховат намунасидир.

Қадимдан улуғ аждодларимиз ўз маблағлари ҳисобидан мадрасалар, карвонсаройлар ва кўприклар бунёд этишни эзгу қадрият деб билишган. Бугун уларнинг йўлини муносиб давом эттираётган Абдукарим Саксонов 23 миллиард сўмлик шахсий ҳомийлик маблағлари ҳисобидан Навбаҳор туманидаги 22-сонли умумтаълим мактабини мутлақо замонавий қиёфада қуриб берди. Ҳозир бу кўркам ва муҳташам билим масканида мингга яқин ёш авлод энг сўнгги IT-технологиялар воситасида илм олмоқда. Зеро, эзгулик ва маърифат йўлида қилинган ҳар бир хайрли иш асрлар оша яшайди, эл дуосига ва авлодлар ташаккурига сабаб бўлади.

ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФ ВА ЖАҲОН БОЗОРИНИ ЗАБТ ЭТАЁТГАН МИЛЛИЙ БРЕНДЛАР

Яна бир фидойи ва ташаббускор тадбиркор – мамлакатимиз иқтисодиёти драйверига айланган «BMB Holding» корпорацияси кузатув кенгаши раиси Бекзод Маматқуловдир.

У 2017 йилда мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш ва инвестиция муҳитини яхшилаш бўйича тарихий ислоҳотлар бошланган илк пайтларда асос солган кўп тармоқли холдинг компанияси бугунги кунда республикамизнинг инвестиция, қишлоқ хўжалиги, қайта ишлаш саноати ва замонавий хизмат кўрсатиш соҳаларида байроқдор ўринлардан бирини эгаллади. Унинг раҳбарлигида ҳудудларда замонавий агрологистика ва кластер мажмуалари барпо этилди, "BMB Za'faron" каби брендлар остида миллий ва юқори қийматга эга маҳсулотларимиз Европа, Осиё ва Америка бозорларига олиб чиқилди. У нафақат йирик бизнес вакили, балки янги иш ўринлари яратиш, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш ва ижтимоий лойиҳаларни қўллаб-қувватлашда чинакам ватанпарварлик намунасини кўрсатиб келмоқда.

Бугун бозорларимиз кўзни қувонтирадиган ва руҳни кўтарадиган даражада тўкин ва фаровон. Расталаримиз тўлиқ маҳаллий ва сифатли маҳсулотлар билан тўлиб-тошган. Айниқса, геосиёсий ва иқтисодий таҳликалар туфайли дунёнинг кўплаб мамлакатларида озиқ-овқат танқислиги ва нархларнинг кескин қимматлашуви кузатилаётган бир пайтда, юртимиздаги озиқ-овқат хавфсизлиги, мўл-кўллик ва нархларнинг ҳамёнбоплигини чет эллик экспертлар ва сайёҳлар зўр ҳавас билан эътироф этишмоқда.

"ШИРИН ОЗОД, МАНЗИЛ ОБОД..."

Нуроний отахону онахонларимизнинг самимий дуоларида ўзига хос бир сеҳр, қалбга чексиз қувват ва илиқлик берадиган қудрат бор. Бежизга халқимизда «Олтин олма, дуо ол» дейишмаган. Шундай дилдан чиққан, эзгу дуолардан бири: "Ширин озод, манзил обод, юртимиз тинч ва фаровон бўлсин..." деб бошланади. Нуронийларимизнинг дуолари ва элимизнинг фидокорона меҳнати ижобати ўлароқ, бугун Янги Ўзбекистоннинг ҳар бир қадамида ободликни, миллий юксалишни кўрасиз.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган "Обод маҳалла", "Обод қишлоқ" ҳамда "Янги Ўзбекистон маҳаллалари" дастурлари доирасида юртимизнинг энг олис ва чекка ҳудудлари инфратузилмаси тубдан янгиланди. Инсон қадрига бўлган эътиборнинг амалий ифодаси сифатида биргина 2025 йилнинг ўзида 188 та маҳалладаги 715 минг аҳоли яшайдиган хонадонларга илк бор тоза ичимлик суви кириб борди, яна 2 миллион 300 мингга яқин аҳолининг сув таъминоти тубдан яхшиланди.

Тоғларни мумдек кесиб сув келтирган афсонавий Фарҳоднинг жасорати бугун янги даврда миллий ва умумхалқ ҳаракатига айланди. Юртимизнинг олис қишлоқларига, чўлу адирларига сув ва инфратузилма етиб бораётгани туфайли одамларнинг юзига табассум ва қалбига шукроналик туйғулари қайтди.

Таълим, тиббиёт, ижтимоий ҳимоя ва инфратузилма соҳаларидаги бунёдкорлик ишлари кўҳна орзуларимизнинг амалдаги зафарли ифодасидир. Таълим соҳасида Президент ва ихтисослаштирилган мактаблар, янги авлод университетлари барпо этилиб, ёшларимиз дунё стандартлари даражасида билим олмоқда. Замонавий тиббиёт марказлари ва юқори технологик операциялар энди олис вилоятлар ва туманларда амалга оширилмоқда.

Сўнгги тўққиз йилда мамлакатимизда 210 миллион квадрат метрлик турар жой ва нотурар жой объектлари фойдаланишга топширилди. Бу рақам атиги ўн йил аввал хаёлга ҳам келтириб бўлмайдиган, Янги Ўзбекистоннинг улкан интеллектуал, иқтисодий ва қурилиш қудратидан, эртанги кунга бўлган мустаҳкам ишончидан далолат беради.

ҚАРДОШЛИК РИШТАЛАРИ ВА АБАДИЙ ДЎСТЛИК ТАНТАНАСИ

Халқимизнинг кўп асрлик энг улуғ орзуларидан бири – қўшни қардош халқлар билан аҳил-иноқ, тинч-тотув яшаш, бир маҳалла одамларидек хурсандчилик ва қайғуни баҳам кўриш эди.

Азал-азалдан тўйи бир, маъракаси бир, қозони бир қайнаган, қон-қардошлик ва муқаддас қадриятлар бирлаштириб турувчи Марказий Осиё халқлари собиқ тузум ва сунъий ғовлар туфайли бир-биридан айрилиб, чегаралар ёпилган, меҳр-оқибат ришталарига дарз кетган эди.

Президент Шавкат Мирзиёев томонидан кўрсатилган қатъий сиёсий ирода, жасорат ва очиқ, оқилона ташқи сиёсат туфайли бу музликлар эриди! Чегаралар очилди, ажралиб қолган қариндошлар қувонч кўз ёши билан дийдорлашди. Савдо, иқтисодиёт, транспорт ва маданий-гуманитар алоқалар янги босқичга кўтарилди.

Бунинг тарихий ва оламшумул исботи сифатида – Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистон етакчиларининг Хўжандда бўлиб ўтган учрашувида илк бор уч мамлакат давлат чегараларининг туташ нуқтаси тўғрисидаги тарихий шартнома имзоланди ҳамда "Абадий дўстлик тўғрисида"ги Декларация қабул қилинди.

Илгари низо ва кескинлик ўчоғи ҳисобланган Марказий Осиё бугун Президентимизнинг ташаббускорлиги билан жаҳон харитасида тинчлик, ҳамкорлик, яхши қўшничилик ва жадал тараққиёт макони ҳамда ягона минтақавий куч сифатида тан олинмоқда.

"ЎЗЛИГИНГНИ НАМОЁН ҚИЛ!": ДУНЁНИ ТАН ОЛДИРАЁТГАН ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ



Мамлакатимизда инсон капиталига киритилаётган сармоялар ўз мевасини бера бошлади. Ёшларимиз илм-фан, робототехника, ахборот технологиялари соҳаларида халқаро олимпиадаларни забт этиб, миллий генийимизни дунёга намоён этмоқда.

Спорт соҳасидаги мислсиз парвозларимиз эса миллий ғуруримизни тоғдек кўтарди. Аъзоларимиз Париж олимпиадасида тарихий ғалабаларни қўлга киритган бўлса, миллий терма жамоамиз спорт тарихимизда илк бор футбол бўйича Жаҳон чемпионатида иштирок этгани бутун халқимизга чексиз фахр ва тўлқинланиш бағишлади.

Кўҳна ва боқий Самарқанд ҳамда Тошкент мезбонлик қилган нуфузли халқаро шахмат турнирларида ҳамюртларимизнинг жаҳон тожини кийиб, Ватанимиз байроғини баланд кўтаргани интеллектуал салоҳиятимизнинг ёрқин тасдиғидир. Жавоҳир Синдаров, Нодирбек Абдусатторов, Нодирбек Ёқуббоев каби моҳир ва даҳо гроссмейстерларимизнинг оламшумул ғалабалари Янги Ўзбекистон ёшлари ақл ва тафаккур майдонида ҳам тенгсиз эканини бутун дунёга яққол исботлади.

АДОЛАТЛИ, ХАЛҚПАРВАР ПРЕЗИДЕНТ

Хўш, бу каби буюк ва тарихий ўзгаришларнинг бош сабабчиси ким ва омили нимада?

Буюк ўзгаришларнинг бош омили, шубҳасиз, юртимизда адолат ва қонун устуворлигини бош мезон қилиб олган, «Инсон қадри учун» деган эзгу ғояни давлат сиёсатининг энг устувор йўналишига кўтарган одил ва қатъий раҳбар – Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг улкан сиёсий иродаси, жасорати ва чинакам ватанпарварлигидир.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ислоҳотларнинг марказига бевосита инсон ва унинг манфаатлари қўйилди. "Давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак" деган тамойил ҳаётга татбиқ этилиб, ҳар бир фуқаронинг эртага эмас, айнан бугун бахтли ва муносиб яшашини таъминлаш давлатнинг бирламчи вазифасига айланди.

Натижада юртимизда йиллар давомида тўпланиб қолган муаммолар очиқ-ошкора ҳал этилиб, ишсизликни жиловлаш ва камбағалликни қисқартириш бўйича дунё тажрибасида кам учрайдиган тизимли натижаларга эришилди.

2025 йилнинг ўзида 5 миллион аҳолимиз даромадли иш ва бандлик билан таъминланди. Ишсизлик даражаси 5,5 фоиздан 4,9 фоизга туширилди. Қарийб 1,5 миллион эҳтиёжманд аҳоли камбағалликдан чиқарилди.

Илк бор мамлакатимиздаги 1 минг 435 та маҳалла "камбағалликдан холи ҳудуд" мақомига эга бўлди.

Нафақат юртимизда, балки Халқаро майдонда, БМТ, минтақавий ва глобал саммитлар минбарларида "Янги Ўзбекистон" ва "Учинчи Ренессанс" иборалари юксак ҳурмат ва эътироф билан тилга олинмоқда. Жамиятимизда мутлақо янги, соғлом, ўзаро ишонч ва бағрикенглик муҳити қарор топди. Қонун устуворлиги ва адолатнинг қарор топгани фаровонлигимиз ва эртанги буюк тараққиётимизнинг мустаҳкам тамал тошидир.

КЕЛАЖАК САРИ МУСТАҲКАМ ҚАДАМ

Болалигимизда олис ва совуқ юлдузларга қараб орзу қилганимиз – ўша эртаклардаги адолатли, бадавлат ва саховатпеша юрт, аслида, мана шу муқаддас Ватанимизнинг, Янги Ўзбекистонимизнинг айнан ўзидир!

Эртаклар ҳаётга кўчди. Орзулар чинакам эзгу мақсадга, мақсадлар эса тарихий воқеликка айланди.

Бугунги кунда халқимизнинг фидокорона ва ҳалол меҳнати, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик, миллатлараро тотувлик ва адолат туфайли биз кундан-кунга куч-қудратга тўлиб, улкан ва юксак марраларни забт этмоқдамиз. Бу йўлда қўлга киритилган ҳар бир зафар, эгалланган ҳар бир марра – Янги Ўзбекистоннинг порлоқ, қудратли ва буюк келажаги сари қўйилган мустаҳкам қадамдир!

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек: «Биз кечагидан кучлимиз, эртага янада қудратли бўламиз!»

ОРЗУЛАР ОРТИДАН



Жавлонбек АБДУЛЛАЕВ, халқ депутатлари Косонсой туман Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси.

Наманган давлат университетининг биринчи босқичида таҳсил олаётган кезларим. Олдимга катта мақсадлар қўйган, билим олиш, ўз устимда ишлаш ва жамиятда муносиб ўрин топишни истаган ёшлардан бири эдим. Аммо уларни амалга ошириш учун истакнинг ўзи камлик қилишини, билим, ташаббус, қатъият ва муносиб муҳит ҳам зарурлигини яхши англардим.

Ўша пайтда мамлакатимизда фаолият юритаётган сиёсий партияларнинг дастур ва уставларини ўргана бошладим. Изланишларим мени Ўзбекистон Халқ демократик партиясига етаклади.

Партиянинг Наманган вилоят кенгаши биносига биринчи марта борган куним ҳеч қачон ёдимдан чиқмайди. Қалбимда ҳаяжон, хаёлимда эса катта орзулар бор эди. Вилоят кенгашидаги фаолларга партияга аъзо бўлиш истагимни билдирдим. Суҳбатимиз давомида партия фаолияти ва келажакдаги мақсадларим ҳақида гаплашдик.

Нега айнан Ўзбекистон Халқ демократик партияси? Чунки мен ногиронлиги бўлган шахс сифатида ижтимоий ҳимоя, тенг имкониятлар, таълим олиш ва жамият ҳаётида фаол иштирок этиш масалаларининг инсон тақдиридаги аҳамиятини ўз ҳаётимдан билардим. Партия дастуридаги ижтимоий адолат, ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонлар манфаатларини ҳимоя қилиш ва ҳар бир фуқаро учун муносиб шароит яратиш ғоялари менга яқин эди. Мен бу ғояларда ўз орзуларим ва ҳаётий мақсадларимни кўрдим. Шу тариқа партияга аъзо бўлишга қарор қилдим.

Партия тадбирларида иштирок эта бошлаган илк кунларимда катта давраларда сўзлаш, фикримни эркин ифода этиш осон эмасди. Аммо ҳар бир учрашув мен учун янги тажриба мактаби бўлди.

Кечагина минбарга чиқишга ҳаяжонланган талаба аста-секин ўз фикрини дадил билдиришга, ташаббус кўрсатишга ва бошқаларни эзгу мақсадлар атрофида бирлаштиришга ўрганди. Бу ўзгаришда устозларимнинг кўмаги, партиянинг ёшларга яратган имкониятлари ва ўз устимда ишлашга бўлган интилишим муҳим ўрин тутди.

Партия масъуллари билан ҳамкорликда талабалар, кўнгилли ёшлар ва ногиронлиги бўлган инсонларни жалб этган ҳолда ижтимоий лойиҳаларни амалга ошира бошладик. Шу мақсадда кўнгилли талабалардан иборат «Кўмак» ижтимоий таъминот гуруҳини ташкил этдик. «Матонат» лойиҳаси ҳам ана шу эзгу интилишлар маҳсули бўлди.

2018 йилда Ўзбекистон ХДПнинг «Ёш сиёсатчи» кўрик-танлови вилоят босқичида иштирок этдим. Танловнинг бош совринини қўлга кирита олмаган бўлсам-да, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга қаратилган «Матонат» лойиҳам «Энг яхши лойиҳа» номинациясида ғолиб бўлди. Бу эътироф менга катта рағбат бағишлади.


2019 йил ҳаётимдаги муҳим бурилишлардан бири бўлди: Ўзбекистон Халқ демократик партияси мени 22- М.Аъзам сайлов округидан халқ депутатлари Косонсой туман Кенгаши депутатлигига номзод сифатида илгари сурди ва сайловчилар ишончи билан депутат этиб сайландим.

2021 йилда партиянинг Косонсой туман кенгашида иш бошлаб, талаба ва депутат сифатида орттирган тажрибамни сиёсий фаолият билан уйғунлаштириш имконига эга бўлдим. Кейинчалик Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Анвархон Темировнинг ёрдамчиси сифатида ишлаб, қонунчилик жараёнлари ва маҳаллий муаммоларни юқори даражада кўтариш механизмларини ўргандим.

2022–2024 йилларда Олий Мажлис Сенати ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзоси сифатида ёшлар манфаатларини ифода этиш ва уларнинг ташаббусларини илгари суришга ҳисса қўшдим. 2023 йилда «ЎзХДПнинг энг фаол депутати» кўрик-танловининг республика босқичида иккинчи ўринни эгалладим ва партия Марказий Кенгаши аъзолигига кирдим. 2024 йилги маҳаллий Кенгашлар сайловида яна депутат этиб сайланишим эса менга билдирилган ишончнинг давомийлигини англатиб, халқ манфаати йўлидаги масъулиятимни янада оширди.

Бу — менинг партия тизимидаги фаолиятим, изланишларим ва босиб ўтган сиёсий йўлимнинг муҳим босқичлари, холос.

Байрам муносабати билан барча партиядошларимни Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкил топганининг 35 йиллиги билан чин қалбимдан табриклайман! Инсон қадри, ижтимоий адолат ва халқ манфаатларига хизмат қилиш йўлидаги эзгу ишларимиз давомли бўлсин!



ҲАЁТ МАКТАБИДА ТОБЛАНГАН ЁШЛИК



Мухсиддин НИЗОМИДДИНОВ, ЎзХДП Марказий Кенгаши бўлим бошлиғи, халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгаши депутати.

Мен сиёсий фаолиятимни 2019 йилда Ўзбекистон Халқ демократик партиясига аъзо бўлишдан бошлаганман.

Ўша пайтда кўплаб орзулар, режалар ва халқимизга фойдам тегиши ҳақидаги эзгу ниятлар бор эди. Бироқ орзу қилишнинг ўзи етарли эмаслигини, мақсадга эришиш учун билим, тажриба, қатъият ва тўғри йўл-йўриқ кераклигини вақт ўтиши билан чуқур англадим. Партия мен учун айнан шундай мактаб бўлди.

Бу ерда мен сиёсатнинг фақат минбарларда сўзлашдан иборат эмаслигини, аксинча, халқ орасида бўлиш, одамларнинг дардини тинглаш, уларнинг ишончини қозониш ва ҳар бир масалага масъулият билан ёндашиш эканини ўргандим.

2020 йилда Ангрен шаҳар Кенгаши депутати этиб сайланганим ҳаётимдаги энг қувончли воқеалардан бири бўлди. Бу мен учун катта ишонч ва айни пайтда жиддий масъулият эди. Шу даврдан бошлаб халқ вакили бўлишнинг асл моҳиятини янада чуқурроқ ҳис қила бошладим. Одамлар билан юзма-юз суҳбатлашиш, уларнинг ҳаётий муаммоларини тинглаш ва имкон қадар амалий ечим топишга интилиш менга катта тажриба берди.

Худди шу йили Олий Мажлис Сенати ҳузуридаги Ёшлар парламентига сайланишим ва унинг раиси ўринбосари вазифасига муносиб кўрилишим фаолиятимда навбатдаги муҳим босқич бўлди. Бу ишонч менга ёшларнинг манфаатларини кенгроқ миқёсда ифода этиш, уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида ёшлар иштирокини кучайтириш масалаларига янада теранроқ қарашни ўргатди.

Мен учун бу давр нафақат янги имкониятлар, балки ўзимни синаш, тажрибали инсонлардан ўрганиш ва сиёсий билимларимни мустаҳкамлаш даври ҳам бўлди.

2022 йилда Паркент тумани Кенгаши депутати сифатида фаолият юритишим, 2024 йилда эса Тошкент вилояти Кенгаши депутати этиб сайланишим сиёсий йўлимдаги изчил қадамлар бўлди. Ҳар бир босқич менга янги тажриба, янги танишувлар ва янги масъулият олиб келди. Маҳаллада одамлар билан ишлаш, уларнинг эҳтиёж ва муаммоларини ўрганиш, жойлардаги вазиятни таҳлил қилиш орқали халқ вакили бўлишнинг нақадар мураккаб ва шарафли вазифа эканини тобора чуқурроқ англадим. Бугунги кунда партиямиз Марказий Кенгашида фаолият юритаётганим ҳам ана шу йўлнинг давоми, менга билдирилган ишончнинг яна бир ифодасидир.

Албатта, бу натижаларга эришиш фақат шахсий интилишларим билан боғлиқ эмас. Ҳар қандай инсон камолотида уни қўллаб-қувватлаган, тўғри йўл кўрсатган, керакли пайтда маслаҳат берган қалби дарё фидойиларнинг ўрни катта. Ўзбекистон Халқ демократик партияси ёшларни четдан кузатувчи эмас, балки сиёсий жараёнларнинг фаол иштирокчиси бўлишга ундайди.

Партиямизнинг 35 йиллик фаолияти ҳақида ўйларканман, унинг келажаги ҳам кўп жиҳатдан ана шундай фаол, билимли ва ташаббускор ёшларнинг камол топишига боғлиқ, деган хулосага келаман. Чунки бугун ёшларга берилган имконият эртага жамият ҳаётида ўз самарасини беради. Бугун ўз фикрини эркин ифода этишни, муаммоларга ечим излашни, одамлар билан ишлашни ўрганган ёш эртага янада катта вазифаларни бажаришга тайёр бўлади.

Фурсатдан фойдаланиб, ўзимнинг сиёсий камолотимга замин яратган, менга ишонч билдирган ва фаолиятим давомида қўллаб-қувватлаб келаётган Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг барча фаолларини, Марказий Кенгаш ва ҳудудий кенгашларда меҳнат қилаётган устозларимизни, депутатларимизни, ёшларимизни ҳамда барча партиядошларимизни чин қалбимдан самимий табриклайман.



ПАРТИЯДАН МИННАТДОРМАН



Азизбек РАХМОНОВ, халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи раҳбари.

Партияга аъзо бўлишимга сиёсий жараёнларга бўлган қизиқишим сабаб бўлган. Дастлаб партия ташкил этган бир қатор тадбирларда иштирок этдим, фаолиятини кузатиб, дастурий мақсадлари ва илгари сураётган ташаббуслари билан яқиндан танишдим. Айниқса, аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий муаммоларга ечим топиш ва ёшларнинг жамият ҳаётидаги иштирокини кенгайтиришга қаратилган ишлар менда катта қизиқиш уйғотди. Шу тариқа, дастлабки қизиқишим аста-секин сиёсий фаолликка, кейинчалик эса партия сафида туриб, жамият ҳаётига ўз ҳиссамни қўшиш истагига айланди.

Мен сиёсатга одамларга наф келтириш, уларнинг муаммоларига ечим топиш ва жамиятдаги ўзгаришларга дахлдор бўлиш имконияти сифатида қараганман. Айниқса, депутатлик фаолиятида одамларнинг дарду ташвишларини эшитиш, уларга амалий ёрдам бериш ва кимнингдир ҳаётида ижобий ўзгариш ясаш мумкинлигини англаганим сари соҳага қизиқишим янада ортди.

Мен учун депутат бўлиш одамлар манфаатини ҳимоя қилиш ва уларнинг овозига айланиш имконияти эди. Бунинг учун эса билим, тажриба, қатъият ва, энг муҳими, халқ билан ҳамнафас бўлиш кераклигини яхши тушунардим. Шу йўлда партиям менга сиёсий тажриба орттириш, ўзимни синаш ва салоҳиятимни намоён этиш учун катта майдон яратди.

Вақт ўтиши билан сиёсатга, жамиятдаги ислоҳотларга бўлган қизиқишим аниқ мақсад ва ҳаётий масъулиятга айланди. Мен ўз олдимга қўйган мақсадимга эришишда партиямнинг ишончи ва кўмагини энг муҳим таянчлардан бири, деб биламан.

Бугун мен Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатиман. Андижоннинг Избоскан туманидан Сирдарёга келган, бу ерда аввалдан таниш-билиши бўлмаган бир йигитнинг бугун депутат сифатида жамият ҳаётида ўз фикри, қарашлари билан иштирок этаётганида партиямнинг ўрни беқиёс. Бу йўл осон кечмади. Аммо билдирилган ишонч, яратилган имкониятлар ва олдимга қўйган мақсадларим мени олға бошлади.

Айни пайтда депутатлик гуруҳи раҳбари сифатида фаолият юритмоқдаман. Сессиялар ва доимий комиссиялар муҳокамасига ҳудудлардаги бандликни таъминлаш, аҳоли даромадларини ошириш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш, ёшларни қўллаб-қувватлаш ҳамда аҳолини қийнаётган долзарб муаммоларни ҳал этиш бўйича масалалар киритилмоқда. Депутатларимиз йиғилишларда долзарб ташаббуслар ва асосли таклифлар билан чиқаётгани, аҳоли манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган масалаларни илгари сураётгани, албатта, қувонарли. Энг муҳими, бу таклифлар аниқ ечимларга айланиб, ҳудудлар ривожи ва аҳоли фаровонлигига хизмат қилиши керак.

Ўрганганларим, орттирилган тажриба ва ўзлаштирган билимларим қўл келиб, жорий йилда «Энг фаол депутат» танловида биринчи ўринни эгалладим. Албатта, бу мен учун катта эътироф билан бирга, янада юксак масъулият ҳамдир.

Ортга назар ташлар эканман, босиб ўтган йўлим учун партиямдан ҳам, менга ишонч билдирган инсонлардан ҳам миннатдорман. Аммо олдиндаги вазифаларим янада катта. Энди менинг бурчим — ўзимга берилган имкониятларни оқлаш, тенгдошларимга намуна бўлиш, халқим манфаати учун сидқидилдан меҳнат қилиш.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг 35 йиллик қутлуғ санаси билан барча партиядошларимни яна бир бор чин қалбимдан табриклайман. Партиямиз сафида фидокорона меҳнат қилаётган фахрийлар, раҳбарлар, фаоллар ва ёшларга мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт, куч-ғайрат ва янги муваффақиятлар тилайман.



35 ЙИЛЛИК ТАРИХ — ҒОЯЛАР ВА ИНТИЛИШЛАР СОЛНОМАСИ




Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг 35 йиллиги муносабати билан Марказий Кенгаш биносида тарихий экспозиция ташкил этилди. Унда партиянинг 1991 йилдан бошланган сиёсий йўли, муҳим воқеалари, Қурултойлари, раҳбарлари, рамзлари ва сайловлардаги иштироки акс этган. Ҳар бир ҳужжат, ҳар бир сурат ва маълумот ортида партия тарихининг муайян бир саҳифаси, ўша даврнинг руҳи ва инсонларнинг интилишлари мужассам.

1991 йил 1 ноябрда ташкил топган Ўзбекистон Халқ демократик партияси мамлакатимиз мустақиллик сари дадил қадам ташлаётган бир даврда сиёсий майдонга кириб келди. Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари манфаатларини ифода этиш, ижтимоий адолат ва тенглик ғояларини илгари суриш партия фаолиятининг асосий йўналишларидан бўлиб келди. Экспозициядаги дастлабки материаллар орқали ўша йиллардаги сиёсий муҳитни, партия олдига қўйилган мақсадларни ва уларнинг шаклланиш жараёнини тасаввур қилиш мумкин.

Партиянинг 35 йиллик тарихи, бу йиллар давомида тўпланган сиёсий тажриба, изланишлар, ўзгаришлар ва янги вазифаларни белгилаш жараёнидир. Қурултойларга бағишланган стендларда партия ҳаётидаги муҳим қарорлар, ташкилий ривожланиш босқичлари ва келгуси фаолият йўналишлари акс этган. Сайловларга оид материаллар эса партиянинг сайловчилар билан мулоқоти, вакиллик органларидаги иштироки ҳамда электорат манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги фаолияти ҳақида маълумот беради.


Экспозициянинг яна бир эътиборли жиҳати — партия тарихига ҳисса қўшган инсонларга алоҳида ўрин берилганидир. Турли йиллардаги раҳбарлар, партия рамзлари ва муҳим воқеалар акс этган фотосуратлар ўтмишни жонлантириб, бугунги авлодни тарих билан юзлаштиради.


Марказий Кенгаш биносининг биринчи қаватида партиянинг 35 йиллик тарихига бағишланган кўргазма стенди, партия брендини акс эттирувчи махсус бурчаклар, инфокиоск ва партия стелласи жойлаштирилган. Учинчи қаватда эса Қурултойлар, Марказий Кенгаш раҳбарлари, партия рамзлари тарихи ва фаолиятига оид фотолавҳалар намойиш этилган. Ушбу материаллар бир-бирини тўлдириб, партиянинг ташкил топишидан бугунги кунгача бўлган йўлини яхлит тасаввур қилиш имконини беради.




















MUASSIS:
O‘ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

O‘zbekiston Ovozi
TAHRIR HAY’ATI:
Ulug`bek INOYATOV
Ulug‘bek VAFOYEV
Maqsuda VORISOVA
Qalandar ABDURAHMONOV
Guliston ANNAQILICHEVA
Muslihiddin MUHIDDINOV
Olim RAVSHANOV
Toshtemir XUDOYQULOV

Bosh muharrir: Nazira MATYAKUBOVA
MANZILIMIZ: 100029, Тошкент, Мустақиллик майдони 5/3
Телефонлар: (71) 239-12-14
Реклама бўлими: (91) 190-19-49. **E-mail:** uzbovozi@mail.ru
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko‘chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro‘yxatga olingan.
Navbatchi: **Ravshan SHODIYEV**
Г — 1037. 3710 nusxada bosildi.
Nashr ko‘rsatkichi — 220.
t — Tijorat materiallari
O‘zA yakuni —
Topshirilgan vaqti — 00:00
1 2 3 4 5 6
Sotuvda kelishilgan narxda

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O‘zbekiston ovozi» materiallarini ko‘chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.